

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**РИСАЕВА ОКСАНА МАРАТОВНА**

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН НЕМИС ТИЛИДА ФУНКЦИОНАЛ ФЕЪЛ  
БИРИКМАЛАРИНИНГ АСПЕКТУАЛ СЕМАНТИКАСИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Рисаева Оксана Маратовна**

Ҳозирги замон немис тилида функционал феъл бирикмаларининг  
аспектуал семантикаси ..... 3

**Рисаева Оксана Маратовна**

Аспектуальная семантика конструкций с функциональными  
глаголами в современном немецком языке ..... 25

**Рисаева Оксана Маратовна**

Aspectual semantic of the constructions with functional verbs in modern  
German language ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**РИСАЕВА ОКСАНА МАРАТОВНА**

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН НЕМИС ТИЛИДА ФУНКЦИОНАЛ ФЕЪЛ  
БИРИКМАЛАРИНИНГ АСПЕКТУАЛ СЕМАНТИКАСИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Fil205 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ризаев Баходир Хайдарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Умархўжаев Мухторхон Эшонхўжаевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Қулмаматов Дўсмамат Саттарович**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 25 уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 25 уй. Тел: (99871) 233-45-21).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Маннонов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.П. Содиқов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., профессор

**А. Қуронбеков**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида функционал феъл бирикмалари (ФФБ), яъни абстракт маънода қўлланилаётган функционал феъл (ФФ) ва абстракт от компоненти (ОК) бирикмасидан ҳосил бўлган қурилмалар оддий синтактик ва турғун сўз бирикмалар оралиғида жойлашган аналитик конструкциялар тури сифатида қабул қилинади. ФФБлар тилни ривожланиш типологик характеристикалардан бири ҳисобланиб, оддий сўз ўрнига сўз бирикмасини қўллаш тамойилини акс этади. Аналитизмга оид муаммолар базавий лингвистик билим соҳасига тегишли ва аналитик конструкциялар тил универсаллик мақомига эга бўлиб, ҳар бир тилда ўзига хос бўлган хусусиятлар билан ажралиб туради.

Ҳозирги замон дунё тилшунослигида немис тилидаги универсаллик феъл-от сўз бирикмалари турини фаол ва самарали маҳсулдор шакллантириш жараёнида намоён бўлиб келаяпти. Ҳозирги кунда феъл-от аналитик конструкциялари немис тилининг турли услубларида ва дискурсда ҳаддан ташқари кенг тарқалиши кузатилади. Бу нарса ушбу қурилмаларнинг коммуникатив заруратидан далолат беради. Шу билан биргаликда, илмий адабиётларда аналитик конструкциялар билан боғлиқ бўлган муаммоларни анъанавий ёндашувлар ёрдамида ҳал этиш етарли эмаслиги ва когнитив таҳлилни қўллаш зарурати тўғрисида фикр юритилади.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида чет тилларни ўрганишга ва уларни грамматик (синтетик ва аналитик) қурилишларининг ўзига хос хусусиятларини ҳар тарафлама аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан биргаликда немис тилшунослиги масалаларига бағишланган тадқиқотларда аспектualiк муаммоларига ва феъл-от аналитик конструкцияларнинг аспектuali семантикасига етарли даражада эътибор берилмай келмоқда. Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ҳозирги кунда бир хил тушунтириш ва ечимга эга бўлмаган ФФБларни тадқиқ қилиш билан боғлиқ бўлган кенг қўламли муаммоларнинг мавжудлиги билан белгиланади. ФФБларнинг структур-семантик ва функционал хусусиятлари намоён бўлишида, ФФБларнинг бир хил мезонлари аниқланишида қарама-қарши ёндашувлар кузатилади. ФФБлар асосий семантик функцияларидан бири, яъни аспектuali функцияси барча лингвистлар томонидан ҳам тан олинмайди. ФФлар семантик субкатегоризациясини ўтказишда унинг акционал тавсифи ҳақидаги, унинг чегараланган/чегараланмаган семантикасининг намоён бўлиши ҳақидаги масала эътибордан четда қолмоқда. Ҳаракатнинг фазавий семантикасини (процесснинг бошланиши, давом этиши, тугаши) ифодалашга ихтисослашган ФФБлар турига етарли эътибор қаратилмаётганлиги кузатилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бизга маълум бўлган махсус тадқиқотларнинг бирортасида ҳам ФФБлар аспектuali (акционал, акционсарт ва аспект) белгилар мажмуи ва ФФБлар иштирокидаги аспектuali вазиятлар турларининг намоён бўлиши ҳақидаги масала ҳозирги замон немис тилида кун тартибига қўйилмаган. Назарий планда ФФБлар билан боғлиқ бўлган аспектuali семантика турлари чегараларини белгилаш долзарб масала ҳисобланади.

Мазкур диссертация 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони<sup>1</sup>, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги ойидаги «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори<sup>3</sup> ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожланишида инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ФФБлар билан боғлиқ бўлган масалалар тарихий, синхрон, қиёсий, дидактик, стилистик нуқтаи назардан ўрганишга П. фон Поленц<sup>4</sup>, К. Г. Даниелс<sup>5</sup>, Х. И. Херингер<sup>6</sup>, Б. Энгелен<sup>7</sup>, В. Шмидт<sup>8</sup>, Г. Хелбиг<sup>9</sup>, Х. Винхарт<sup>10</sup> каби германист олимлар ўзларининг салмоқли ҳиссасини қўшган. Немис тилида феъл-от шаклидаги аналитик бирикмалар тури билан боғлиқ бўлган муаммолар Н.В. Ушкова<sup>11</sup>, Н.И. Зеличенко<sup>12</sup>, О.К. Ирисханова<sup>13</sup> ларнинг ишларида кўриб чиқилган.

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – № 6 (766), ст. 70. – Т.: Адолат, 2017. – С. 38.

<sup>2</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, № ПП-2909 // «Народное слово». – Ташкент, 21 апреля 2017 года. – № 79 (6743). – С. 1-2.

<sup>3</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию качества преподавания иностранных языков в учебных заведениях» от 11 августа 2017 года. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – № 32, ст. 820. – Т.: Адолат, 2017.

<sup>4</sup> Polenz P. v. Funktionsverben im heutigen Deutsch. Sprache in der rationalistischen Welt // Beihefte zur Zeitschrift „Wirkendes Wort“. Н.5. – Düsseldorf: Schwann, 1963. – 46 S.

<sup>5</sup> Daniels K. Substantivierungstendenzen in der deutschen Gegenwartssprache. Nominaler Ausbau des verbalen Denkkreises. – Düsseldorf: Pädagogischer Verlag Schwann, 1963. – 249 S.

<sup>6</sup> Heringer H.-I. Die Opposition von «kommen» und «bringen» als Funktionsverben. Untersuchungen zur grammatischen Wertigkeit und Aktionsart. – Düsseldorf: Pädagogischer Verlag Schwann, 1968. – 130 S.

<sup>7</sup> Engelen B. Zum System der Funktionsverbgefüge // Wirkendes Wort. – Düsseldorf: Schwann, 1968. – № 18. – S. 289-303.

<sup>8</sup> Schmidt V. Die Streckformen des deutschen Verbbaus. Substantivisch-verbale Wortverbindungen in publizistischen Texten der Jahre 1948-1968. – Halle (Saale): Niemeyer Verlag, 1968. – 144 S.

<sup>9</sup> Helbig G. Probleme der Beschreibung von Funktionsverbgefüge im Deutschen // Deutsch als Fremdsprache, 5/1979, 16 Jahrgang. – Leipzig: VEB Verlag Enzyklopädie, 1979. – S. 273-285.

<sup>10</sup> Winhart H. Funktionsverbgefüge im Deutschen. Zur Verbindung von Verben und Nominalisierungen. Diss. – Tübingen: Neophilologische Fakultät, 2005. – 201 S.

<sup>11</sup> Ушкова Н.В. Аналитическая репрезентация концепта в языке: Дисс. ... д-ра филол. наук. – Тамбов, 2006. – 410 с.

<sup>12</sup> Зеличенко Н.И. Усиление аналитизма в лексике современного немецкого и русского языков // Журнал. Язык и культура. Приложение. – М.: МГУ, 2012. – № 1. – С.13-17.

<sup>13</sup> Ирисханова О.К. Когнитивные аспекты номинализации // Когнитивная семантика. Материалы второй международной школы-семинара по когнитивной лингвистике, 11-14 сентября 2000 г. Ч. 2. – Тамбов: Изд-во ТГУ, 2000. – С. 75-76.

XX асрнинг охиригача ҳозирги замон немис тили ФФБлари асосан матндан ажралган ҳолда интенсив равишда ўрганилиши кузатилади. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида олдинги йилларда бажарилган тадқиқотларнинг натижаларини қайтадан кўриб чиқиш жараёни бошланди. Кўпинча аввал тан олинган назарий ҳолатлар жиддий танқидга учраши кузатилади. Айрим олимлар нуқтаи назаридан ФФларни алоҳида гуруҳ сифатида ажратиш мақсадга мувофиқлиги шубҳа остига олинмоқда ва ФФБларини умуман грамматикадан чиқариш кераклиги таъкидланмоқда.<sup>14</sup>

Тадқиқотларда ФФБларни структур-семантик мезонларини аниқлашда биз бир қатор қарама-қарши ёндашувлар ва муаммолар мавжудлигини кузатамиз. ФФБларнинг аспектual семантикасини таҳлил қилишга бағишланган махсус тадқиқотлар мавжуд эмаслиги ҳам кўзга ташланади. ФФБларнинг аспектual (акционал, ҳаракат тарзи ва тур) функциялари билан боғлиқ бўлган айрим масалалар юқорида айтиб ўтилган олимлардан Х. И. Херингер, В. Шмидт ва Г. Хелбиг ишларида ва А. П. тен Кате<sup>15</sup>, Е. Лайс<sup>16</sup>, Х. Манте<sup>17</sup>, Б. Х.Ризаев<sup>18</sup> кабилар томонидан ўрганилган.

Кўп сонли тадқиқотлар натижасида ФФБларни бир қатор структур-семантик хусусиятлари аниқланганлигига қарамасдан, ҳозирги кунга қадар бирмунча муаммолар мавжудлиги ва уларни бир хил маъноли ечими топилмаганлиги кўзга ташланади. Булардан бири бу ФФБларни ажратишда бир маъноли мезонлар мавжуд эмаслиги ва ФФБларни аспектual функциясини аниқлашда аниқлик йўқлигидир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Танланган мавзу Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий кенгаши йиғилишида тасдиқланган ва СамДЧТИ немис тили ва адабиёти кафедрасининг «Матн лингвистикаси ва унга хос категориал белгилар» номли илмий йўналишдаги мавзуси билан бевосита боғлиқ.

**Тадқиқотнинг мақсади:** немис тилидаги функционал феъл бирикмалари билан боғланган аспектual (акционал, ҳаракат тарзи ва аспект) маъноларининг комплекс таҳлили орқали ва функционал феъл бирикмалар ёрдамида ифодаланаётган аспектual вазиятлар турларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ФФБларни ўрганишда асосий йўналишлар ва муаммоларни аниқлаш;

ФФБларнинг аниқлаш мезонларини таҳлил қилиш;

<sup>14</sup> Pottelberge J.v. Verbnominale Konstruktionen, Funktionsverbgefüge: vom Sinn und Unsinn eines Untersuchungsgegenstandes. – Heidelberg: Winter, 2001. – № 18. – 482 S.

<sup>15</sup> Cate, A.P ten. Aspektualität und Nominalisierung. Zur Bedeutung satzsemantischer Beziehungen für die Beschreibung der Nominalisierung im Deutschen und im Niederländisch. (Europäische Hochschulschriften, Reihe Linguistik, 43). – Frankfurt a. M. usw.: P. Lang, 1985. – 276 S.

<sup>16</sup> Leiss E. Die Verbalkategorien des Deutschen // ein Beitrag zur Theorie der sprachlichen Kategorisierung. (Studia linguistica Germanica; 31). – Berlin, New York: de Gruyter, 1992. – 334 S.

<sup>17</sup> Manthe Ch. Deverbale Verben und Aktionsartlichkeit: eine Analyse der suffixal und implizit derivierten Verben des Deutschen, ihrer Ableitungsmorpheme und Modifikationen. – Hamburg: Kovač, 2013. – 236 S.

<sup>18</sup> Ризаев Б.Х. Аспектualные особенности глаголов движения в качестве функциональных (на примере глагола gehen) // Замоновий филология ва лингводидактика масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2014. – С. 10-11.

ФФнинг семантик статусини аниқлаш ва ФФларнинг акционал хусусиятларини конкретлаштириш;

ОКнинг структур-семантик хусусиятларини таҳлил қилиш;

ФФБларнинг структур-семантик тавсифига аниқлик киритиш;

ФФБларнинг оддий синтактик бирикмалар ва фразеологик бирликларнинг фарқларини ажратиб бериш;

ФФБларнинг аспектуал (акционал, ҳаракат тарзи ва аспект) хусусиятларини ва чегараланган, чегараланмаган ва лимитатив нейтрал ФФ иштирокида ифодаланаётган аспектуал вазиятлар турларини ва уларнинг вариантларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объектини** ҳозирги замон немис тилида функционал феъл бирикмалари, яъни феъл-от бирикмаларининг аналитик турини ташкил қилувчи ва эркин бирикмалар ҳамда фразеологик бирликлар ўртасидаги оралик, ўтиш ҳолатини эгалловчи конструкциялар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни функционал феъл бирикмалари ва уларни ташкил қилувчи компонентларнинг аспектуал (акционал, аспект ва ҳаракат тарзи) семантикаси ва ФФБ ёрдамида ифодаланаётган аспектуал вазиятлар турлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда аспектологик ҳодисаларни таҳлил қилишда етакчи усуллар сифатида изоҳлаш, талқин қилиш, «кўп аспекти доминант» ва «майдон» усуллари, ФФ ва ФФБнинг акционал ва ҳаракат тарзини аниқлашда ономасиологик, дистрибутив ва статистика усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

функционал («ярим ёрдамчи») феъл семантик статусини аниқлашда ва функционал феъл бирикмаларнинг ажратиш мезонларини белгилашда аспектуал (акционал) функцияларига тааллуқли карама-қаршиликлар исботланган;

функционал феъл бирикмаларнинг структур-семантик турлари таснифига аниқлик киритилиб, функционал феъл бирикмаларнинг оддий синтактик бирикмалар ва фразеологик бирликлардан ажратишга хос бўлган структур-семантик мезонлари аниқланган;

замонавий немис тилида чегараланган, чегараланмаган ва лимитатив нейтрал функционал феъл ёрдамида ташкил топган аспектуал вазиятлари семантикасини комплекс ўрганиш натижасида уларнинг аспектуал вазиятлар турлари аниқланган;

функционал феъл бирикмаларнинг структур-семантик хусусиятларини ўрганишда уларнинг моҳиятини тор ва кенг тушуниш билан боғлиқ бўлган асосий йўналишлари ва уларнинг аспектуал семантикасини аниқлашга тааллуқли ҳолатлар исботланган;

гап структурасида функционал феъл бирикмаларнинг аспектуал (акционал, аспект ва ҳаракат тарзи) семантикаси таҳлили асосида терминатив ва дуратив (процессуал) аспектуал вазиятлар мажмуаси аниқланиб, уларда бир-бири билан туташиб кетган кескин фарқ қилувчи аспект ва ҳаракат тарзи маънолари очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

Самарқанд давлат чет тиллар институти роман-герман филологияси факультети 2-4 курс талабалари учун диссертация материаллари ва натижалари асосида «Ҳозирги замон немис тилида функционал феъл-от бирикмалари» деб номланган ўқув-услубий қўлланма яратилган.

Тадқиқотнинг материаллари ва натижалари Самарқанд давлат чет тиллар институти 1 курс магистратура талабаларига «Лингвистика (немис тили)» мутахассислиги бўйича «Немис тили аспектологияси муаммолари» махсус курсини ўтиш жараёнида маъруза, амалий машғулотлар ва мустақил ишларни ташкил қилишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган замонавий ёндашув ва усуллар, аспектология соҳасидаги янги илмий-назарий натижалар асосида таҳлил қилинган фактик тил материаллари, чиқарилган хулосалар назарий мавқеи билан мос келиши ва қатъийлиги мавжудлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти функционал-семантик майдонда аспектуал хусусиятлари турлари мажмуаси (акционал, ҳаракат тарзи ва аспект маънолари) ва аспектуал вазиятларни вариантлари ишлаб чиқилгани билан изоҳланади. Тадқиқот материаллари немис тили функционал феъл-от бирикмалари хусусиятлари функционал-семантик майдонида оддий сўзлар (феъллар) билан бўлган муносабатини аниқлаш имконини беради.

Ишнинг амалий жиҳати шундан иборатки, тадқиқот натижалари магистрантлар учун «Немис тили аспектологияси муаммолари», «Немис тили аналитик конструкциялари» бўйича маъруза ва махсус курслар ишлаб чиқишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилишлари мумкин. Диссертацияда қўлланилган майдон усулидан турли тилларда феъллар ва феъл-от бирикмаларини аспектуал семантикасини тадқиқ қилишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижалари умумий ва немис тили аспектологияси, лексикологияси бўйича маърузалар ўқишда, турли тилларни феъллар ва от-феъл бирикмаларини аспектуал семантикаси турларини тадқиқ қилишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши мумкин. Тадқиқот материаллари ўқитувчилар малакасини ошириш курсларида назарий ва амалий машғулотларда, немис тили грамматикаси, лексикологияси бўйича назарий ва амалий дарсларда қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳозирги немис тилида функционал феълли конструкцияларнинг аспектуал семантикасини тадқиқ қилишдан олинган илмий натижалар асосида:

ҳозирги немис бадиий адабиётидан ва публицистикасидан, изоҳли луғатлардан олинган бой тил материалидан ва кўп аспектли-доминант, майдонли ёндашувлардан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тавсия қилинган гид-таржимонлар учун назарий ва амалий материалларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 30 августдаги 05-22/6481-сон маълумотномаси). Натижада таржимонлик

амалиётида феълли-отли перифразлар маъно ва мазмунини адекват (мос) ва аниқ интерпретация (талқин) қилишга, шунингдек, матнларни таржима қилишга ёрдам берган, гид-таржимонлар ва экскурсоводларнинг касбий фаолияти даражасини оширишга асос бўлган;

функционал феъл-от бирикмаларнинг ўзига хос бўлган категориал структурал-семантик хусусиятлари мажмуаси, турли манбалардан тўпланган функционал феъл-от бирикмаларининг матн коммуникатив-прагматик мазмуни шаклланишига кўшадиган ҳиссаси, функционал феъл-от бирикмаларининг ажратиш мезонларини белгилашда аниқлик киритилиши билан боғлиқ натижалардан QAPD 530786-TEMPUS-1-2012-1-NL-TEMPUS-SMHES рақамли TuСАНЕА-«Марказий Осиё олий таълим кенглигини яратиш йўлида структурал адаптация ва таълим сифатини ошириш» номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 майдаги 89.03.2036-сон маълумотномаси). Натижалар оддий феъл ўрнига қўлланадиган ва нафақат илмий-техникавий услубда, балки расмий-амалий мулоқот соҳасида ҳам ишлатиладиган аналитик конструкцияларнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганишга хизмат қилган;

немис тилидаги феъл-от бирикмалари ва содда феъл синонимлари билан алмашинувидан олинган материаллардан илмий-таълимий кўрсатувлар сценарийларини ишлаб чиқишда, хусусан, Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг «Немис тилини ўрганамиз», «Хорижий тилларни биласизми?», Немис тилида сўзлашамиз» каби туркум кўрсатувларни тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 16 августдаги 09-01/223-сон маълумотномаси). Тадқиқот материалларидан фойдаланиш натижасида томошабин ва тингловчиларга тилни эгаллашда феъл-отли перифраз ўзлаштиришда, уларнинг эркин синтактик бирикмалар (коллокациялар) ва фразеологик бирликларда чегараланиш мезонларини тушунтиришга ҳамда кўрсатувларнинг бойитилишига ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий мақолалар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган, шу жумладан 2 илмий мақола хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Республика фан ва технологиялари тараққиёти устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предмети аниқланган, қўлланилган усуллар, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг муҳокамаси ва эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Биринчи боби «**Ҳозирги замон немис тилида функционал феъл бирикмаларини ўрганишда мавжуд бўлган муаммолар**» деб номланиб, унда ФФБларни ўрганиш тарихи, уларнинг структур-семантик ва функционал хусусиятларини аниқлашда асосий йўналишлар, ҳозирги кунгача ўз ечимини топаолмаган муаммолар доираси, ФФОБларни ажратиш мезонлари, терминология масалалари, ФФБларнинг аспектual семантикаси билан боғлиқ муаммолар ва ФФБларнинг оддий синтактик ва фразеологик бирикмалардан бўлган фарқи муҳокама қилинади.

Кўпхадли тадқиқотларнинг мавжудлигига қарамасдан, ҳозирги кунгача ФФОБларни аниқ тавсифи топилмаган ва бир маъноли ажратиш мезонлари ҳам мавжуд эмас. Агарда айрим лингвистлар нуқтаи назаридан асосий (марказий) мезонлардан бири сифатида феъл компонентининг десемантизацияси ҳисобланса (П. Айзенберг, В. Шмидт, Г. Хелбиг), бошқа олимларнинг фикрича (Х. Винхарт) ФФ ўзининг абстракт маъносида қўлланилади ва унинг семантикаси ҳеч қандай десемантизацияга учрамайди. Айрим олимлар нуқтаи назарида (П. Поленц) от компоненти (ОК) сифатида фақат процессual маъноли девербал ёки деадъектив (сифатдан ясалган) отлар иштирок этиши мумкин бўлса, бошқа лингвистлар ОК девербал отлар билан чекланади ва бу ўхшаш конструкцияларни муҳокамадан чиқариб қўйиш ҳолатига олиб келади (П. Айзенберг). Айрим ишларда тадқиқотчилар асли ФФОБ сифатига фақат предлогли бирикмаларни тан олса (П. Айзенберг, Б. Энгелен, Х. Херингер, Л. Гётце), бошқа тадқиқотларда олимлар предлогсиз бирикмаларни ҳам ФФБлар каторига қўшади (В. Кляйн, Г. Хелбиг и И. Буша, Р. Штайниц, И. Штарке). Айрим муаллифлар фикрича, ФФБларнинг асосий функцияси (каузация ва пассивлаштириш қаторида) аспектual маъноларни (Aktionsarten) ифодалаш бўлса (П. Поленц, В. Шмидт, Г. Хелбиг, Б. Ризаев), бошқа лингвистлар нуқтаи назаридан бу функция чегараланган, таркибида процессual ОК мавжуд бўлган ФФБлар билан боғлиқ.

Бир маъноли, ҳамма қабул қилган ФФБларни ажратиш ва уларни доирасини аниқ конструкция турлари билан чегаралаш мезонлари мавжуд эмаслиги (йўқлиги) туфайли айрим тадқиқотчилар (Ж. ван Поттелберге) ФФБларни грамматика соҳасидан чиқариш масаласини кўтаради.

Бизнинг фикримизча, ФФОБларни семантик ва шакл хусусиятларини аниқлашда майдон усулининг қўлланилиши – ядро, ядрога яқин ва периферия

зоналарини аниқлаш – мунозарали ва ҳозиргача ечилмаган муаммоларни баргараф қилиши мумкин.

Лингвистик адабиётларда ФФОблар ҳар хил номланиши кузатилади. Кўпинча терминлар у ёки бу лингвистларнинг феъл-от бирикмаларини ажратишда қўллаган мезонлари билан ёки ФФОбларни қайси белгиларига кўпроқ эътибор берилиши билан боғлиқ бўлиши кузатилади.

ФФОбларнинг аспектual функциясига нисбатан лингвистларнинг турли нуқтаи назарлари кўзга ташланади. Мавжуд бўлган тадқиқотларда, одатда, ФФОбларнинг асосий функцияларидан бири – бу аспектual маъноларни ифодалаш деб қайд қилинади. Шу билан биргаликда, баъзи олимлар бу функцияни асосий деб тушунсалар, бошқа тадқиқотчиларнинг фикрича, ФФОбнинг аспектual функцияси асосан қиёсий ўрганиш бўйича ишларда, яъни славян тиллари билан қиёсланганда аниқланади. «Aktionsart» атамаси ҳар хил маънода тушунилади. Бир томондан «Aktionsart» тушунчаси ўзига умумлаштирилган «ҳолат» (дуратив), «бошқа ҳолатга ўтиш» (инхоатив) (айрим пайтларда «каузатив») каби маъноларни қамраб олса, иккинчи тамондан, аспектual маъно билан ҳаракатни фазовий (ҳаракатни бошланиши, оқиши, давом этиши, тугалланиши) хусусиятлари боғланади. Шу билан биргаликда, «Aktionsart» атамаси маъноси билан бир вақтда ҳам тур (имперфектив/перфектив), ҳам чегараланган/чегараланмаган ҳаракат тарзи маънолари тушунилади. Айрим олимлар фикрича, ФФОбларни асосий функцияси бу ҳаракат тарзи хусусиятларини ифодалаш эмас, балки аспект (тур) хусусиятларини ифодалашдан иборатдир. Бундан ташқари, Е. Лайс ҳозирги замон немис тилида дуратив маънони ифодаловчи ФФОблар йўқ, фақат терминатив маънони ифодаловчи ФФОблар мавжуд деган фикрни исботлашга ҳаракат қилади: «Man kann versuchen nachzuweisen, daß es keine durativen Funktionsverbgefüge gibt»<sup>19</sup>. Е. Лайсининг терминатив маънони ифодаловчи ФФОблар сони кўпайиши тенденцияси тўғрисидаги фикрига қўшилиш мумкин бўлса-да, аммо унинг дуратив маъноли ФФОблар немис тилида мавжуд эмаслиги тўғрисидаги фикри мисоллар таҳлили натижалари асосида тасдиқланмайди.

Ишда таҳлил қилинаётган ФФОблар структур-семантик жиҳатидан эркин ёки фразеологик бирикмаларнинг ўхшаш хусусиятларига эга бўлиши мумкин. Шакл жиҳатидан бир хил феъл-от бирикмаси ҳам ФФОбси деб, ҳам эркин синтактик бирикмаси деб таснифланиши мумкин. Масалан, zum Zug kommen феъл-от бирикмасининг қўлланиш вариантларига эътибор беринг: (1) «er kommt zum Zug» an den Bahnhof ва (2) «er kommt zum Zug» in der Politik (ҳаракатга киришмоқ, фаолиятини оширмоқ). ФФОбларининг формал шакл нуқтаи назаридан ўхшаш бирикмаларидан фарқланиши бир қатор мезонлар асосида аниқланади. Энг муҳим мезонлар қаторига, масалан, В. Кляйн синтактик муносабатларни киритади. Унинг фикрича, эркин синтактик бирикмаларнинг («er kommt zum Zug» an den Bahnhof) ОК қўйидаги яъни а) Erfragbarkeit («wohin

<sup>19</sup> Leiss. E. Die Verbalkategorien des Deutschen // ein Beitrag zur Theorie der sprachlichen Kategorisierung. Studia linguistica Germanica. 31. – Berlin, New York: Walter de Gruyter, 1992. – S. 255.

kommt er»?), (б) Ersetzbarkeit («er kommt dorthin») и с) Attributierbarkeit<sup>20</sup> белгиларга эга. ФФБларнинг («er kommt zum Zug» in der Politik) ОК эса бундай синтактик хусусиятларга эга эмас. Умуман олганда бу ерда бирикмаларнинг турғунлиги тўғрисида гап боришини кузатамиз. Шуни айтиб ўтиш керакки, ОК эркин бирикмаларида тўлдирувчи функциясини бажарса, асл ФФБларида эса у предикатнинг бир қисми сифатида иштирок этади.

Бир семантик маънога (semantische Einheit) эга бўлиш қобилияти ФФБларига ҳам, фразеологик бирликларга ҳам хос. Буларнинг таркибида қатнашаётган компонентлар биргаликда бир семантик маънони ифодалайди, улар бошқа лексемалар ёрдамида ифодаланиши лозим. Фразеологик бирликларнинг компонентлари тўлиқ маънога эга бўлмайди, уларни М. Э. Умархўжаев «қашшоқлашган» («опустошённые»)<sup>21</sup> деб атади. Масалан: «бировни жаҳлини чиқармоқ» маъносини ҳам фразеологик бирлик auf die Palme bringen (jmdn. wütend machen) ҳам ФФБ – in Wut bringen ифодалайди. Лекин, агар ФБ таркибида айрим қисмлари семантик бўш ёки «бўшатишган» тарзда ифодаланса, унда ФФБ таркибида бу кузатилмайди. (Аммо фразеологик бирлик ифодалаётган семантик маъно унинг компонентлари семантикасидан келиб чиқаолмайди), ФФБ таркибида қатнашаётган ОК (Wut – жаҳл) эса бирикманинг асосий семантик маъносини ифодалайди.

ФФ «ҳолат», «ҳолатнинг ўзгариши» ва «ҳолатнинг ўзгаришига имкон туғдириш (каузация)» каби умумлаштирилган семантик маъноларга эга бўлиши кузатилади. Бу ҳолат бир қатор ФФБларининг ташкил бўлишига сабаб бўлади: битта ФФ билан бир қатор турли ОК бирикиши мумкин (in Gang, Bewegung, Schwung, Verlegenheit; zur Ruhe, Vernunft, zum Ausdruck, zu Ende bringen), фразеологик бирикмалар бундай имкониятга эга эмас<sup>22</sup>.

Таҳлил қилинаётган бирикмалар ўртасида мавжуд бўлган фарқ яна шундан иборатки, ФФБлар таркибида ОК сифатида асосан абстракт отлар қатнашаолса, фразеологик бирликларда эса конкрет предмет отлар қатнашиши одатий ҳодиса ҳисобланади.

Иккинчи боб «**ФФБларнинг структур-семантик тавсифи**» деб номланиб, унда ФФБлар ва уларни ташкил қилувчи компонентларнинг бир хил бўлмаган структур-семантик тавсифлари таҳлил қилинади.

Структур-семантик тавсифлар ФФБларга хос бўлган морфологик-синтактик ва семантик хусусиятларини аниқлаш асосида тузилади. Морфологик тавсиф масаласида олимлар ўртасидаги тортишувлар ФФБларнинг асосий моҳияти «тор» ва «кенг» маънода тушунилишидан келиб чиқади. «Тор» маънода тушунувчи олимлар вакиллари ФФБларни ажратишда чегараланган мезонлар доирасини қўллайди, уларнинг оппонентлари эса ажратиш мезонлар доирасини анча кенгроқ қўлланишини афзал кўрадилар. Семантик тавсифлашда у ёки бу ФФБлар турига хос бўлган абстракт ва умумий

<sup>20</sup> Klein W. Zur Kategorisierung der Funktionsverben // Beiträge zur Linguistik und Informationsverarbeitung. – 1968. – № 13. – S. 8.

<sup>21</sup> Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. – Ташкент: Фан, 1983. – С. 16-24.

<sup>22</sup> Helbig G. Probleme der Beschreibung von Funktionsverbgefüge im Deutschen // Deutsch als Fremdsprache, 5/1979, 16 Jahrgang. – Leipzig, 1979. – S. 275.

маъноларни аниқлаш асосида турли гуруҳларга ажратилади. Бунда аспектual семантика эътиборга олинishi кузатилади. Шу семантик белги асосида ФФБлар билан боғлиқ бўлган «ҳолат» (дуратив), «ҳолатнинг ўзгариши» ва «бошқа холатга ўтиш» (инхоатив), ёки «бировнинг таъсирида холатнинг ўзгариши» (каузатив) маънолари ажратилади. Семантик тавсифлашда ФФнинг акционал хусусиятлари, яъни чегараланганлик/ чегараланмаганлик маъноларини аниқлаш аҳамиятсиз (эътиборсиз) қолишини кузатамиз. Асосий фазовий аспектual (бошланиш, давом этиш ва тугалланиш) маъноларни ифода қилувчи ФФБларга, масалан: (einen) Anfang nehmen, (einen) Fortgang nehmen, ein Ende nehmen (haben, machen) ҳам етарли эътибор берилмайди.

ФФнинг семантик моҳияти тўғрисида олимларнинг турли (ва гоҳо қарама-қарши) фикрлари мавжуд. ФФларнинг семантик статусини аниқлашда адабиётларда мавжуд бўлган фикр-мулоҳазаларни қўйидагича умумлаштириш мумкин:

1. ФФ ларнинг семантикаси тўлиқ маъноли феълларга нисбатан мазмун жиҳатидан «қашшоқлашган» (опустошённая), «хиралашган» (поблэкшая), «камбағаллашган» (обеднённая), редукцияга учраган деб тушунилади;
2. ФФ абстракт ва умумлаштирилган семантикага эга;
3. Мазмуни «қашшоқлашган», «хиралашган», редукцияга учраган махсус ФФ мавжуд эмас. Феълларнинг турли изоҳлари мавжуд, яъни тўлиқ маъноли феълларнинг конкрет изоҳи ва ФФларнинг абстракт, кўчма изоҳлари;
4. ФФнинг инхоатив, ингрессив, эгрессив, дуратив ва континуатив, терминатив ва резулътатив каби аспектual хусусиятлари ҳаракат тарзи семантикаси билан боғланган;
5. ФФ ўтимли фазада, яъни тўлиқ маъноли ва ёрдамчи феъллар ўртасида жойлашган;
6. ФФ ларнинг ўзига хос «ҳолат», «ҳолатнинг ўзгариши» ва «ҳолатни ўзгаришига имкон туғдириш (каузация)» каби функцияси умумлаштирилган семантик маъноларни ифодалашдан иборат.

ФФлар семантикаси юқорида тўғрисида айтиб ўтилган мулоҳазалар, бизнинг тасаввуримизда, уларнинг қарама-қаршилигига қарамасдан, қонунийдир. Чунки, ФФлар билан боғлиқ бўлган бирикмалар ўтимли, икки ҳодиса орасидаги аналитик ҳодисалар турига тегишли ва шу туфайли ФФларнинг семантикасини ҳар хил (турли) изоҳлаш, шарҳлаш тадқиқотчининг ФФБларнинг семантик доирасини ва мезонлар тамойилларини аниқлаш ва ажратишга бўлган ёндашиш (позицияси) билан боғлиқ.

Мазкур бобда ФФБларнинг ОК билан боғлиқ бўлган семантик, сўз ясалиш ва синтаксис муаммолари ҳам танқидий таҳлил қилинади. ФФБларнинг таркибида ОК позициясида нафақат абстракт семантикали девербативлар, балки деадеъктивлар ва оддий отлар ҳам иштироқ этишлари мумкин. Номинализациянинг аспектual муаммолари девербативлар билан боғлиқ, нимага деганда феъллардан ясалган отлар феълларга хос бўлган аспектual хусусиятларни ўзлаштиришлари мумкин. Муаммо у ёки бу девербативга хос бўлган аспектual хусусиятни изоҳлашдадир. Девербатив ва нодевербативларни умумлаштирувчи белгиси «процессуаллик»дир, яъни бир қандай вақт давомида содир бўлиши билан боғлиқ бўлган маънога эга бўлишларидадир. Лекин девербативларнинг мазмунидаги процессуалик бошқа от турларидан жиддий

фарқ қилади. Феъллардан ясалган отлар процессуаллиги ўзининг семантик шаклига чегараланган/чегараланмаган аспекттуал хусусиятларини ҳам камраб олади. Нодевербативларнинг ва ҳолатни ифодалувчи девербативларнинг процессуаллиги эса фақатгина вақт давомида содир бўлиш маъносига эга бўлади, ва уларни акционал ва аспект хусусиятларини ажратишга имконият бўлмаслиги кузатилади. Масалан: *Angst haben, in die Panik geraten, in die Erregung kommen*. Бу процессуаллик турини биз «соф процессуаллик» деб номлашимиз мумкин, зотан у юқорида айтиб ўтилган кўшимча акционал хусусиятлари билан боғлиқ эмас.

Синтактик қатламда ОК, одатда, предикатнинг қисми сифатида қўлланилади, лекин айрим синтактик ФФ қурилмаларида объект сифатида иштрок этиши ҳам мумкин. ОК сифатида асосан абстракт процессуал семантикали отлар ва камдан-кам ҳолларда метонимик маънода конкрет предметни ифодаловчи отлар қўлланилади.

Аспект ва акционал маъноларни бир-биридан аниқ ажратмаслик ОК ва ФФБнинг аспекттуал семантикасини аниқлашда кўпинча нотўғри хулосаларга олиб келади.

Учинчи боб **«ФФБлар ёрдамида ташкил топган аспекттуал вазиятлар турларининг семантикаси»** деб номланиб, у ФФБларни аспекттуал (акционал, аспект ва ҳаракат тарзи) семантикасини аниқлашга бағишланган. Таҳлил бирлиги сифатида ФФБлари ва ФФБлар гап таркибида предикатив ядросини ташкил қилган аспекттуал вазиятлар (АВ) қабул қилинади. Аспекттуал вазиятлар А. В. Бондарко таърифича, «... бу гапда аспекттуаллик функционал-семантик майдон негизида ҳаракат оқими ва унинг вақт ичида тақсимланиш хусусиятларини ифодаланиши билан боғлиқ бўлган сигнификатив типли маъноли структура»<sup>23</sup>. АВлар турларини аниқлашда биз ФФБлар билан боғлиқ бўлган лисоний маълумотни ҳам, контекст ёрдамида ифодаланаётган ахборотни ҳам эътиборга оламиз.

Аспекттуаллик ўзига «ҳаракатни вақт ичида оқиши» умумий семантик белгиси билан бирлаштирилган турли функционал-семантик майдонларни қамраб оладиган категорияни ташкил қилади. Бу майдоннинг мазмундор компонентлари сифатида, бир томондан, «акционал фраза»да, яъни ФФБлар таркибида аниқланаётган чегараланган/чегараланмаган акционал маънолар, иккинчи томондан, гапда ифодаланаётган чегарага етмоқ/чегарага етмаслик аспект (тур) маънолари эштирок этадилар. Айни ушбу акционал ва аспект маънолар мажмуи («имперфектив/перфектив» оппозицияси эмас), ҳозирги замон немис тилининг лимитатив майдонини ташкил қилади<sup>24</sup>. Аспекттуаллик функционал-семантик майдони ўз ичига синтагма таркибида аниқлаш мумкин бўлган ҳаракат тарзи деб аталувчи инхоатив, ингрессив, эгрессив, дуратив, финитив каби ҳаракат хусусиятларни ҳам қамраб олади. Масалан: *Angst haben, in Verbindung stehen* – дуратив; *Angst bekommen* – инхоатив; *Unterstützung*

<sup>23</sup> Бондарко А.В. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии. 2-е изд. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – С. 190.

<sup>24</sup> Ризаев Б.Х. Функционально-семантическое поле лимитативности в современном немецком языке. – Самарканд: СамГИИЯ, 2013. – С. 139.

finden – результатив; in Verbindung treten – ингрессив; Befreiung vollziehen – эгрессив; zu Ende kommen, sein – финитив.

Акционал семантика деганда биз феълнинг лексик-семантик потенциалида чегараланганлик хусусияти, яъни ҳаракатнинг ўз ички чегарасига интилиш хусусияти мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини тушунамиз. Шу билан биргаликда, биз акционал маъноларни ажратишда аниқ бир феълнинг семантик потенциалига кирувчи ҳамма хусусиятларини инобатга олиш кераклиги ва чегараланган/чегараланмаган хусусиятлари мавжуд бўлиш/бўлмалиги акционал фраза таркибида аниқлаш лозим эканлиги мақсадга мувофиқ бўлишини тан олган олимлар фикрига қўшилаемиз. Чегараланганлик/чегараланмаганлик маънолари нафақат феъл лексемасига тегишли, балки Ю. С. Масловнинг фикрича, «феълнинг ҳар битта маъноси билан, қолаверса, феълнинг ҳар битта қўлланиши билан боғлиқ»<sup>25</sup>.

Ҳозирги замон немис тилида биз феълларни учта акционал гуруҳларини ажратаемиз: чегараланган, чегараланмаган ва лимитатив нейтрал (икки хусусиятли) феъллар. Акционал синф типи (тури) ФФБлар таркибида, яъни «акционал фраза» таркибида аниқланади. Масалан, бир предмет маъносига эга бўлган тўлиқ маъноли лимитатив нейтрал феъллар мисолида уларни акционал семантикасида мавжуд бўлган фарқни осонгина намойиш қилса бўлади: *etw. tragen* иборасида феъл чегараланмаган деб ҳисобланади (чегарага интилиш белгиси мавжуд эмас), аммо *etw. irgendwohin tragen* иборасида эса феъл чегараланганлиги (ҳаракатнинг бирор мақсадга қаратилганлик белгиси мавжуд) аниқланади. Худди шундай ҳолатни ФФБлари мисолида кузатишимиз мумкин. Масалан *Bedenken (Zweifel) tragen; (die) Schuld an (etw.) tragen; Sorge für etw. (A) tragen; die Verantwortung für etw. (A) tragen* каби ФФБларида *tragen* феъли чегараланмаган маъно билан боғлиқ бўлса, *etw. zur Schau tragen* ФФБда *tragen* чегараланган маънога эга бўлганини кузатаемиз<sup>26</sup>.

Ҳозирги замон германистикасида немис тили феълларининг аспектиал нуқтаи назаридан «*atelisch*» ва «*telisch*» гуруҳларига, кейинчалик эса улар турли ҳаракат тарзларига бўлинади. «*Atelisch*» ва «*telisch*» атамаларини қўллашда бир вақтнинг ўзида ҳам акционал (чегараланганлик/чегараланмаганлик) ҳам аспект (чегарага етганлик/етмаганлик) маънолари тушунилади. Масалан, Дуден грамматикасида уларни осонлик билан «перфектив/имперфектив» тушунчалари билан алмаштириш мумкин деган фикр юритилади<sup>27</sup>. Бу фикр принципиал бир хил бўлмаган тушунчаларни бир-биридан ажратмаслик хатога олиб келади: акционал ва аспект маънолари бир-бири билан боғлиқ, лекин тенг маънолар эмас.

ФФБларни таҳлилига бағишланган адабиётлар маълумотларига кўра, ҳозирги замон немис тилида юзга яқин ФФлар мавжуд. Шулардан кўп учрайдиган ФФлар рўйхати қўйидагилардан иборат: *anstellen, aufnehmen,*

<sup>25</sup> Маслов Ю.С. К основам сопоставительной аспектологии // Вопросы сопоставительной аспектологии. – Л.: ЛГУ, 1978. – С. 35.

<sup>26</sup> Раҳманкулова И. -Э.С. К вопросу о теории аспектуальности // Вопросы языкознания. – М.: Наука, 2004. – №1. – С. 21.

<sup>27</sup> Duden. Die Grammatik. Unentbehrlich für richtiges Deutsch. Herausgeben von der Dudenredaktion. 8, überarbeitete Auflage. Band 4. – Mannheim, Wien, Zürich: Dudenverlag, 2009. – S. 424-425.

ausüben, sich befinden, bekommen, besitzen, bleiben, bringen, erfahren, erhalten, erheben, erteilen, finden, führen, geben, gehen, gelangen, genießen, geraten, haben, halten, kommen, leisten, liegen, machen, nehmen, sein, setzen, stehen, stellen, treffen, treten, üben, unternehmen, versetzen, vornehmen, ziehen, zuziehen ва ҳаказо.

Бу феъллар турли лексик-семантик гуруҳларга киради: 1) юриш ҳаракатини ифодаловчи феъллар – bringen, führen, gehen, kommen, treten; 2) ҳолатни, бор бўлмоқни ва ўрнашган жойни ифодаловчи феъллар – sich befinden, liegen, sein, stehen, bleiben; 3) турли жисмоний ёки «умумий» ҳаракатларни ифодаловчи феъллар – machen, anstellen, leisten, unternehmen, vornehmen; 4) бирор нарсага олиш, эгаллаш маъносини ифодаловчи феъллар – erhalten, bekommen, nehmen; 5) бирор нарсага эга бўлиш маъносини ифодаловчи феъллар – haben, besitzen; 6) бирор нарсага етказиш, бериш маъносини ифодаловчи феъллар – geben; 7) каузатив маънони (мажбурлашни) ифодаловчи феъллар – setzen, versetzen, stellen; 8) бирор нарсага эришиш маъносини ифодаловчи феъллар – gelangen, geraten, finden.

Таҳлил қилинаётган феъллар ҳам тўлиқ маъноли феъллар, ҳам ФФлар сифатида қўлланилиши мумкин. Феълларнинг лексик-семантик потенциалида чегараланганлик сема белгиси мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қараб қўйидаги гуруҳларини ажратиш мумкин:

1. Чегараланган феъллар: (а) бу феъллар лексик маъноларида потенциал чегараланганлик белгиси, яъни ички чегарага йўналиш белгиси мавжудлиги билан тавсифланади: kommen, geben, bringen, treten ва ҳаказо; (б) перфектив феъллар – уларнинг маънолари бирор реал натижага етиш белгиси билан боғланган бўлиши билан ажралиб туради: finden, gelangen, geraten.

2. Чегараланмаган феълларнинг хусусиятлари уларнинг лексик-семантик потенциалида қайси бирорта чегарага интилиш белгиси мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Бу гуруҳни, қоида бўйича, ҳолатни, мавжудликни ва статик ўрнашган жойни ва бирор нарсага эга бўлиш маъносини ифодаловчи феъллар ташкил қилади: haben, sein, sich befinden, stehen, bleiben, liegen, besitzen.

3. Лимитатив нейтрал феъллар – бу феълларнинг лексик-семантик потенциали бир вақтнинг ўзида иккита қарама-қарши акционал белгини ўз ичига қамраб олади<sup>28</sup>, яъни бир хил предмет маъносига эга бўлган феъл унинг қўлланиш усулига кўра ҳам чегараланган, ҳам чегараланмаган маънони ифодалаши мумкин. Шундай икки акционал хусусиятли феъллар каторига, биринчи навбатда, gehen, führen, halten каби феъллар киради.

Чегараланган ва чегараланмаган тўлиқ маъноли феълларнинг акционал хусусиятлари улар ФФлар сифатида қўлланилган вазиятда ҳам сақланиб қолади. Лимитатив нейтрал ФФлар аксарият ҳолатда ўзларининг чегараланган маъносида қўлланилади, чунки ФФларнинг таркибида бирор мўлжалга интилишни ифодаловчи кўрсаткич мавжуд. Масалан: in Erfüllung gehen, zu Ende gehen, zu Ende führen и т.п.

<sup>28</sup> Ризаев Б.Х. Функционально-семантическое поле лимитативности в современном немецком языке. – Самарканд: СамГИИЯ, 2013. – С. 64.

Шундай қилиб, тўлиқ маъноли феълнинг акционал хусусияти у ФФ, сифатида қўлланилган ҳолда ҳам десемантизацияга учрамай тўлиқ сақланиб қолади. Таъкидлаш керакки, ФФнинг акционал хусусияти бутун бирикмани акционал маъносини тавсифлашга асос бўлади, яъни ФФБси битта синтактик (синтагма) ва битта семантик бирлик (предикат) ва акционал фраза сифатида унинг таркибида жойлашган ФФга хос бўлган акционал хусусиятга эга бўлади. Ҳаракат тарзи билан боғланган тасниф (инхоатив, ингрессив, эгрессив, дуратив, финитив ва ҳаказо маънолар) ҳам синтагма чегарасида (таркибида) аниқланиши мумкин. Масалан: Angst haben, Angst bekommen – инхоатив; Unterstützung finden – резултатив; in Verbindung treten – ингрессив; in Verbindung stehen – дуратив; Befreiung vollziehen – эгрессив ; zu Ende bringen, kommen, sein – финитив. ФФБларнинг аспект (тур) семантикаси (реал чегарага етганлик/етмаганлик) таснифи, одатдагича гап таркибида, яъни аспектиал вазиятлар рамкасида аниқланади. АВ турларини аниқлаш мақсадида гапларнинг ядро компоненти сифатида чегараланган, чегараланмаган ва лимитатив нейтрал ФФлар бирикмалари таҳлил қилинади ва ФФларнинг тегишли синфига муносиб акционал таснифи берилиб, улар ёрдамида ифодаланаётган АВларнинг семантикаси (аспект ва ҳаракат тарзи) билан боғлиқ бўлган вариантлари аниқланади.

1 - жадвал.

**Чегараланган АВларнинг турлари, қўлланилиш сони ва ФФларнинг турли ОКлари билан қўшила олиш имконияти**

АВ турлари/феъллар	kommen	bringen	finden	setzen (sich)	geraten	treffen
Терминативлик	+	+	+	+	+	+
Процессуаллик	+	+	-	+	+	+
Терминативлик + процессуаллик	+	-	-	-	-	-
Процессуаллик + терминативлик	+	+	-	-	-	-
Терминативлик + итеративлик	+	+	-	+	+	-
Бошланиш + процессуаллик	+	+	-	+	+	-
Бошланиш = терминативлик	+	-	-	+	+	-
Аспектологик дуаллик	-	+	-	-	-	+
Терминативлик + натижавийлик	+	-	+	-	-	+
Терминативлик + финитивлик	+	+	+	+	-	-
Терминативлик + такрорийлик	+	+	-	-	-	+
Процессуаллик + такрорийлик	+	+	-	+	+	+
Терминативлик + каузативлик	-	+	-	+	-	-
Процессуаллик + каузативлик	-	-	-	-	-	-
Мисоллар сони	131	107	59	27\20	21	6
Турли ОКлари сони	50	64	14	12\4	19	4

